



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 26 январь, № 17 (7797)

Сешанба

Сайтимида ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САУДИЯ АРАБИСТОНИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 январь куни Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири Ҳолид ал-Фалих бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда Ўзбекистон — Саудия Арабистони кўп қиррали муносабатларини янада мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Хусусан, пандемияга қарамай, икки мамлакат давлат органлари ва иш-

билармоник доиралари даражасида фаол мулоқот олиб боришмоқда. Инвестициялар вазири делегацияси таркибига Саудия Арабистонининг 30 га яқин етакчи компаниялари раҳбарлари Ўзбекистонга ташриф буюргани ҳам шундан далолат беради. Инвестициялар вазири Ҳолид ал-Фалих Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий қабул учун

миннатдорлик билдирди, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон Ол Сауд ва валиаҳд Муҳаммад Ол Сауднинг салом ва энг эзгу тилакларини етказди. Вазири Саудия Арабистони компанияларининг инвестиция лойиҳалари қўллаб-қувватланаётгани ва уларнинг мамлакатимизда самарали фаолият юритиши йўлида яратилган қулай

шароитлар учун самимий миннатдорлик билдирди. Делегация ташрифи арафасида Бухоро шаҳрида қўшма бизнес-форум муваффақиятли ўтказилиб, Ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди, йирик кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувлар имзоланди.

## ЛОЙИҲАЛАРНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 январь куни саноат ва логистика соҳаларига оид инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Улардан бири — Тошкент шаҳрида оқартирилган тунука ишлаб чиқариш лойиҳаси. Бунинг учун 280 миллион евро йўналтирилади. Унинг йиллик қуввати 120 минг тонна бўлиши, 750 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Жиззах вилоятида юқори маркали цемент ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам истиқболли. Қиймати 2 триллион сўмдан зиёд бўлган ушбу лойиҳа самарасида йилга 1 миллион 300 минг тонна цемент тайёрлаш, шундан 200 минг тоннасини экспорт қилиш қуввати пайдо бўлади. 735 миллиард сўмлик яна бир лойиҳа музлаткич, совиткич ва кондиционерлар учун герметик компрессор ишлаб чиқаришга қаратилган. Унинг йиллик қуввати 3 миллион дона бўлиб, шундан 500 минг дона экспортга йўналтирилиши, 300 та иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Шунингдек, электрон сув ҳисоблагичлар, темир-бетон ва керамика маҳсулотларига оид лойиҳалар кўрсатилди. Тошкент шаҳри ва вилоятларда логистика марказлари ташкил этиш лойиҳаларига алоҳида аҳамият қаратилди. Бу марказлар озик-овқат ва ноозик-овқат омборларини ўз ичига олади, карго, курыерлик ва электрон тижорат хизматлари кўрсатадиган бўлади. 5 мингдан зиёд иш ўринлари яратилади. Давлатимиз раҳбари лойиҳаларини сифатли амалга ошириш учун уларни экспертизадан ўтказиш бўйича топшириқ берди. Бу тизимни тармоқлар ва худудлар кесимида ҳам татбиқ этиб, инвестиция лойиҳаларининг тайёрланиши ва бажарилишини баҳолаб бориш, қўйи бўғиндаги мутахассисларга қўмақлашиш зарурлигини таъкидлади.

Ў.А.

## Сенат Кенгашида

### ДАСТУР ИЖРОСИ МУҲОҚАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг видеоқонференцалоқ тарзида мажлиси бўлиб ўтди.

Парламент юқори палатаси Раиси Танзила Норбоева олиб борган мажлисда Сенат аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Унда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 13 июлдаги қарори билан тасдиқланган “Эрта турмуш ва эрта туғуруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажримлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури”нинг ижроси муҳоқама қилинди. Таъкидланганидек, Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари қўшма қарори билан Ўзбекистон Республикаси профессионал таълим муассасалари

ҳамда академик лицейларнинг ўқувчи-ёшларига бирламчи тиббий-санитария ва профилактик ёрдам кўрсатиш ҳамда реабилитация тадбирларини ташкил этиш тартиби тўғрисида йўриқнома ишлаб чиқилган. Қолаверса, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Маҳалла ва оила қўллаб-қувватлаш вазирликлари ўртасида 2020 йил 24 августда “Ўзбекистонда воғта етмаган қизлар орасида эрта туғуруқ ҳолатларининг олдини олиш, туғиш ёшидаги аёллар репродуктив саломатлигини сақлаш юзасидан тизимли ҳамкорликни қучатириш тўғрисида”ги қўшма қарори тасдиқланиб, ижрога йўналтирилган.

Ў.А.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### САЙЛОВГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар “Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Унга қўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Референдум янқуларни ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонун, “Сийёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун ҳамда Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Мажлисида таъкидланганидек, бугунги кунда миллий сайлов қонунчилигимизни такомиллаштириш, уни умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва амалга оширилаётган демократик ислохотлар билан уйғунашти-

риш, мамлакатимизнинг сийёсий нуфузини янги босқичга кўтариш, халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини янада яхшилаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. 2019 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларида халқаро ташкилотлар билдирган айрим тавсияларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар мохиятини халқаро ҳамжамиятга етказиш зарурати мавжуд.

Ў.А.

## БЕДОРЛИККА ДАЪВАТ

“Видеоселектор” сўзи кенг омма тилига кириб келганига унчалар кўп бўлгани йўқ. 2020 йилги пандемия шароитида унинг имкониятларидан кўпроқ фойдаланишга тўғри келди, бир қадар афзалликлари кўзга ташланди. Хусусан, жамиятимизда тобора кенг тус олаётган очкилик, шаффоқлик сийёсати борасида бу техник қулайлик айни муддао эканлиги ўз исботини топмоқда.

### Муносабат

Мухташам мажлис хонасига йиғилган вазирлар, турли тоифадаги раҳбарлар, мутахассислар, зиёлилар каторида вилоятлардаги жамоатчилик вакиллари иштирок этаётёр, ҳамма Президент нутқини бевосита тинглаш, бўлаётган музокараларда муносабат билдириш имконига эга бўлмоқда. Олдиндан айтадиган бўлсак, вилоят ҳокимлари, маҳаллий раҳбар вакиллари, ҳатто олис юрда хизмат сажарида бўлган маданият вазири ҳам экран орқали мажлис хонасида “ҳозир нузир”.

Мажлис ана шундай ишчан бир кайфиятда бошланди. Одатда нутқ ёки маърузанинг охангини мавзу белгилайди. Маънавият-маърифат масалалари ниҳоятда азалий-боқий — инсон инсон бўлибдики, унга йўлдош, унга ҳамдам туйгуларга, фазилатларга, қадриятларга эш бўлиб кетган. Президент вазифалар кўяр экан, бир неча ўринда “вазминлик”, “шошмаслик”, “аста-секинлик” сўзларини бежиз тилга олмади. Шу билан бир вақтда, маънавият масалаларига тааллуқли ғоятда долзарб вазифалар ҳам борки, бу

борада сусткашликка асло йўл қўйиб бўлмаслиги нотикнинг бизга таниш бўлган қатъиятда, талабчанлигида сезилиб турди. Ҳаёт, давр қўндаланг қўяётган ҳолатларда кескин амалий чоралар белгилашга мажбур эканлигимиз таъкидланди нутқда. Зеро, инсон ва жамият ҳаётда маънавиятдан четда қолиши мумкин бўлган бирон соҳа, бирон қатлам йўқ. Тарбияда, яъни маънавиятда танафус бўлмаслиги керак. Ёшлар тарбияси, истиқбол бўладими, хавфсизлик муаммолари бўладими, халқимизнинг руҳиятидаги миллий бир-

лашиш, жипслашиш масалалари бўладими — барчасининг ўзак-ўзгини маънавият ташкил қилади. Биз мамлакатимизда кейинги тўрт йил мобайнида юз берган ва бераётган ўзгаришларни баралла айтмоқдамиз, бироқ шунга қарамай, “ўзгаришлар шамолли кириб бормаган масалалар кўп”. Миллий ғоямиз мохиятини тўлиқ англаб етмаганлар, ҳаётбахш эвришишларга юзакки, бепарво, лоқайд қарайдиганлар йўқ эмас. Шу ўринда давлатимиз раҳбари мақсад-маслағимизнинг ўқ илдизини, пойдеворини ҳаммабоп тарзда очиб-қилиш, лўнда ва тушунарли баён этди. Яъни янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Мафқура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕОИИ: ЎЗАРО АЛОҚАЛАРГА ОИД «ЙЎЛ ХАРИТАСИ» ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

Шу йилнинг 25 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикасининг Евроосий иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш масаласини ўрганишни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

### Анжуман

Унда ишчи гуруҳи раҳбари Акмал Саидов, гуруҳ аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Маъмур ишчи гуруҳининг мақсади ЕОИИга аъзоликнинг ижобий ва салбий жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш,

миллий иқтисодиётга таъсирини ўрганиш, бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик истиқболларига ўзаро боғлиқлигини ҳар томонлама кўриб чиқишдан иборатдир.

Ў.А.

### Нуқтаи назар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш борасида олдимизда турган вазифаларни белгилаб берди. Бу вазифалар турмушимизнинг барча жабҳасини, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳа-

ларини, жамиятда ёшлар ва аёллар мавқеини янада юксалтириш каби масалаларни қамраб олди. Уларни ҳал қилиш учун миллиард-миллиард сўм маблағлар ажратилиши белгилаб қўйилди. Ижтимоий ривожланишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун рес-

публиканинг иқтисодий қудратини юксалтириш зарурати биринчи режага чиқади. Шунинг учун Юртбошимиз иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдаги саноат “занжир”ларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни қўллайтириш орқали эришишимиз ло-

зимлигини таъкидлаб, шу йилнинг 1 апрелига истиқболли саноат кластерлари рўйхатини аниқлаб, уларнинг жадал раванқи учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш ҳақида ҳукуматга топшириқ берди.

Ў.А.



## САНОАТ «ЗАНЖИРИ» ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ КАЛИТИ





